2009 йил, 11 сентябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 183 (11.494)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

● **Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг семинари бўлиб ўтди. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир бола ҳуқуқларининг судгача бўлган босқичларда таъминланиши масалаларига бағишланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва талабаларидан иборат тарғибот гуруҳи Самарқанд вилоятидаги таълим муассасаларида ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказди.**

● **Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 16 та мамлакатидан ташриф буюрган шарқшунос, тарихчи, археолог ва этнографлар иштирок этишди.**

● **Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.uz» давлат унитар корхонаси атамашунослик ва луғатлар хизмати жамоаси учта ихтисослаштирилган луғат устида олиб борган ишини якунлади. Луғатлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида чоп этилди.**

● **Ўзбекистон Бадиий академиясининг бир гуруҳ мусаввирлари Қашқадарё вилоятида ижодий сафарда бўлдилар. Улар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар билан батафсил танишдилар.**

● **Хонободдаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси тадбиркорлари жорий йилнинг ўтган ярмида хорижий давлатларга 10 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларини экспорт қилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Европанинг бир қатор мамлакатлари иқтисодиётида барқарорлашув ҳолати кузатилмоқда. Жумладан, Германия давлатида жорий йилнинг август ойида экспорт ҳажми ўтган ойдагига солиштирганда 2,3 фоизга ўсган.**

● **Германиянинг «Daimler» ва Франциянинг «Renault» автомобилсозлик концернлари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун музокаралар олиб боришмоқда. «Associated Press» хабарида айтилишича, ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад Европада оммалашиб бораётган «Smart» русумли автомашиналарни тўрт эшикли қилиб ишлаб чиқаришдир.**

● **Сомалилик қароқчилар Испанияга тегишли иккита балиқчи кемага ҳужум уюштиришди. Аммо денгизчилар қароқчиларнинг ҳужумидан қочиб қолишга муваффақ бўлишган ва айни пайтда мазкур кемалар қайси йўналиш бўйича ҳаракатланаётгани ҳақида маълумотлар йўқ.**

● **Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрининг халқаро аэропортида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Бу ерда террорчи томонидан миналаштирилган машина аэропорт ҳудуди яқинида жойлашган ҳарбий қароргоҳ атрофида портлатилган. Айни пайтда самолётлар парвози тўхтатилган.**

● **Африка ғарбида жойлашган, Сьерра-Леоне мамлакатида йўловчи кема кучли пўртанага дуч келган ва чўкиб кетган. «Би-Би-Си» хабарида таъкидланишича, фожиа юз берган вақтда унинг бортида 150 нафар йўловчи бўлган. Ҳозирда йўловчиларнинг тақдири ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.**

● **«Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Курил оролларида зилзила содир бўлди. Табиий офат Матау оролида қайд этилган ва унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллни ташкил этган.**

● **Туркиянинг Истанбул музофоти аҳолиси юз бераётган сув тошқинидан азият чекмоқда. Айни пайтда, ҳудуддаги аксарият йўлларни сув босиб, натижада кўчаларда транспорт ва йўловчилар қатнови тўхтаб қолган. Табиий офат туфайли 24 киши ҳалок бўлгани маълум қилинди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 2009 ТОШКЕНТ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ



# ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**«Ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», деб бежизга айтилмайди. Истиқлолимиз шарофати билан қўли гул ҳунармандларимизнинг иқтидори янада бир бор намоён бўлди. Уларнинг санъат даражасидаги маҳсулотлари нафақат юртимизда балки, хорижий давлатларда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда.**

Албатта, бу борада ҳунармандчиликнинг завқи ва ўзига хос машаққатларини баб-баравар тотиб изланаётган, бетакрор буюмлар яратаётган ёғоч ўймакорларининг ҳам муносиб ҳиссаси борки, уларнинг меҳнат маҳоратлари маҳсули саналган маҳсулотлар буни ёрқин исботлаб турибди.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларида Президентимиз халқ амалий санъати — ҳунармандчилик йўналишлари ривожига катта эътибор қаратиб, ҳунармандларга имтиёзлар берди, — дейди ёш ва иқтидорли ёғоч ўймакори Анвар Алимбоев. — Шу боис ҳам ҳунармандларнинг сафлари сон ва сифат жиҳатидан ортиб, энг муҳими ёшларимизнинг бу борадаги фаолликлари ошмоқда. Бу албатта, мустақиллик неъматларидан бўлиб, миллий қадриятларимиз, шарқона анъаналаримиз, урф-одатларимиз эъзозланаётганидан далолатдир. Ўзим ҳам кечагина шогирд сифатида ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганган бўлсам, бугун кўплаб шогирдлар тайёрлашга эътибор қаратяпман. Шогирдларимнинг қизиқишлари, иқтидорларини кўриб мамнун бўламан. Улар билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам қувонарлидир.

Ҳақиқатан ҳам Анвар болалигидан орзуси бўлган ёғоч ўймакорлигини бугунги кунда мукаммал эгаллаган бўлсада, интилишдан, изланишдан асло чарчамайди. Янги-янги буюмлар, эсдалик совғалари яратиш йўлида меҳнат қилади. Устози Ортиқ Файзуллаевнинг ўгит ва маслаҳатларини доимо ёдда тутади.

Анвар Алимбоев 16 йилдан буён мазкур ҳунарни эъзозлаб келмоқда. У ўзи тайёрлаган хилма-хил маҳсулотлари билан мамлакатимиздаги кўргазма ҳамда кўрик- танловларда иштирок этиб, ютуқларга эришган, «Энг яхши ҳунарманд» номини олган. У ҳар бир буюмни тайёрлар экан, янгилик яратишга, эскизларни ижодий ёндошган ҳолда ишлашга интилади. Кейинги йилларда унинг ёғоч ва сополни уйғунлаштирган ҳолда нақшлар билан безатилган маҳсулотлари буюртмачи ҳамда харидорларга манзур бўлмоқда.

Анвар Алимбоев Энг азиз ва энг улуғ байрам ҳамда пойтахтимизнинг қутлуғ 2200 йиллик тўйи муносабати билан турли дизайндаги маҳсулотларини ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларимизга тортиқ этиб, шодиёналарга муносиб совға ҳозирлаганидан мамнун ҳолда меҳнат қилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: Анвар Алимбоев (чапда) устозидан маслаҳат олмоқда.**

**Етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг бош байрами – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги тантаналарига алоҳида эътибор қаратмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Хусусан, Жанубий Кореянинг нуфузли газеталаридан бири “Korea Times”да ушбу муҳим воқеага бағишланган бир қатор салмоқли ва ранг-баранг мақолалар чоп этилди.

Мақолалар туркуми Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Феннинг мазкур муҳим сана муносабати билан табриги ва мақоласи билан бошланади. “Ўзбекистон модернизация ва янгиланишни кучайтиради” номли мақолада мамлакатимизнинг демократик ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар соҳасида эришган асосий ютуқлари шарҳланган.

Ўзбекистонда кечаётган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишланган “Қишлоқ ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда” номли мақолада, “Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқда ҳаёт даражасини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ аҳолиси табиий газдан тобора кўпроқ фойдаланаётгани, ичимлик суви билан узлуксиз таъминланаётгани, барча қишлоқ ҳудудлари электрлаштирилгани, автомобиль йўлларининг яхшилангани, транспорт ва коммуникация хизматининг ривожлангани бунинг исботидир”, дея таъкидланади.

Мақолада, шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида эканлиги, шу мақсадда қишлоқ жойларини саноатлаштириш, янги технологияларни жалб этиш ва замонавий ускуналарни харид қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилади. Мақолада мамлакат ҳукумати аграр тармоқда ислоҳотларни ўтказиш орқали фермерларни қўллаб-қувватлаётгани ва қишлоқ аҳолисининг моддий рағбатлантирилишини кучайтираётганига алоҳида эътибор қаратилади. Натижада, сўнгги йилларда қишлоқ қиёфаси сезиларли даражада ўзгариб, ҳамма жойда ижтимоий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, деб ёзади газета.

“Тошкент 2200 йиллигини нишонлайди» номли мақолада ЮНЕСКО ўзининг 34-чи Бош конференциясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилгани келтирилади. Мақола муаллифи, бугунги кунда Тошкент Марказий Осиёнинг мегаполиси ҳисобланади, деб ёзади. Шаҳар ҳақли равишда минтақанинг иқтисодий, таълим, маданий ва саноатлашган марказига айланди.

Бутун Марказий Осиё миқёсида фақат Тошкентда метро транспорт тизими мавжуд. Мамлакатда энг йирик саналган аэропорт эса, Ўзбекистон пойтахтини Осиё, Европа ва Америка қитъаларининг кўплаб шаҳарлари билан боғлаб туради. Газетхонлар, мақола орқали шунингдек Тошкентнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари билан ҳам батафсил танишишлари мумкин.

Бундан ташқари, нашр “Навоийда ЭИИЗ иш бошлайди” ва “ЭИИҲ нега айнан Навоийда?” номли мақолаларни ҳам чоп этиб, уларда Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этишдек йирик лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида ҳикоя қилинади. Муаллифлар бундай қарорга келинишининг сабабини бу жой ўзининг бой хом ашё заҳиралари, ривожланган саноат ва транспорт тизими, бозорларга яқин жойлашгани, юқори малакали ишчи кучи ҳамда ривожланган ижтимоий ва сайёҳлик инфратузилмаларининг мавжудлиги хорижий сармоядорлар учун жозибали экани билан изоҳлашади.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ишончли савдо-иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатилган. Ушбу алоқалар тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Биргаликда Навоий шаҳрида ташкил этилган Эркин индустриал-иқтисодий зона бунинг яққол далилидир, дея таъкидланади мақола сўнгида.

**«Жаҳон» АА**

# ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

**Мамлакатимизда 22-25 сентябрь кунлари «InfoCom-2009» Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. У ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб, мазкур тармоқни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни ўз ичига олади ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси мутахассисларида ҳам, кўп сонли фойдаланувчиларда ҳам қизиқиш уйғотади.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, АКТ ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “АКТ сиёсати” лойиҳаси асосида БМТ ривожланиш дастури ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида биринчи босқич талабалари, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Олий ўқув юртида ўқишни ўрганамиз» деб номланди.

✓ **АЗИМ** пойтахтимизнинг 2200 йиллигига туҳфа сифатида тайёрланган «Тошкент: аслият ва назира» деб номланган мумтоз қўшиқлар мусиқий альбоми санъат ихлосмандлари эътиборига компакт-диск ҳолатида тақдим этилди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган Корейс маданияти кечаси Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда уюштирилган тадбир 15 сентябрда бошланадиган «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари —2009» кўргазмасининг аҳамиятига бағишланди.

# ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАРГА МОС УЙ-ЖОЙЛАР

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили доирасида куни кеча пойтахтимизда ўтказилган махсус кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир киши кўнглида қишлоқ ҳаётига ҳавас ва ҳайрат уйғонди.**






Дарҳақиқат, халқимиз дилида жо бўлган чуқур маънони англатувчи «Она замин деҳқонни, деҳқон эса бутун халқни боқади» деган нақл айни пайтда мазкур тадбир ташкилотчилари, барча иштирокчилари ва қатнашчиларининг шиорига айланган, десак муболаға бўлмайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун қишлоқ тимсолидан бошланади. Халқимизнинг ризқи рўзи, насибаси аввало далаларимизда заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштириладиган маҳсулотлар, озиқ-овқатлар ва нозу неъматлар билан ўлчанади. Шундай экан, деҳқонларимиз ўзлари бу неъматлардан қай даражада баҳраманд бўлаётирлар? Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси томонидан «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш банки» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давомида бу саволга аниқ жавоб олишга эришилди, деса бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, деҳқонларимизнинг меҳнатига, умуман қишлоқ аҳлига ўзига хос миннатдорчилик рамзи дея эътироф этилаётган мазкур тадбир том маънода давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳлига бўлган юксак ҳурмат ва ғамхўрликнинг яққол ифодаси ҳамдир.

Очиғини айтганда, бу ерда намойишга қўйилган бирон-бир экспонатни шунчаки кўргазма тариқасида қабул қилиш қийин. Пудратчи ташкилотлар томонидан вақтинча бўлсада, аммо моҳирона барпо этилган уй-жойлар шунчалик табиий ҳолатга келтирилганлиги ҳар бир кишида ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас уйғотади. Наҳотки қишлоқларимиз шундай қиёфага кирмоқда.

— Ҳудди шундай ва буларнинг бари ҳақиқатан ҳам қишлоқ аҳли учун. Қишлоқ ҳаётида шаҳардагидек шарт-шароит яратишга эришишимиз даркор, бунинг учун имкониятлар етарли эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди, — дейди «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош муҳандиси Муҳиддин Умаров. — Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, гап аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳақида эмас. Мақсадимиз – қишлоқларимиз фаровонлигини, биринчи навбатда яшаш шароитларини яхшилаш орқали оширишдир. Бу борада Президентимиз томонидан юритилаётган оқилона сиёсат, айниқса Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янада фаоллик ва изчиллик билан татбиқ этилаётгани гувоҳимиз. Давлат дастурида белгиланган вазифалар мазкур кўргазма мисолида ифодасини топди. Намойиш этилган лойиҳаларнинг аксарияти халқ синовидан, яъни қишлоқ аҳли синовидан деярли ўтди. Қашқадарё, Андижон ва Наманган вилоятларида ажратилган ер майдонларида мана шундай бисёр шароитларга эга турар жой мавзелари намунавий лойиҳалар асосида барпо этила бошланди. Эътиборли томони шундаки, тасдиқланган лойиҳалар дастлаб аҳолининг фикр-мулоҳазалари ва албатта, таклифлари ўрганилиб, сўнг жорий этилмоқда.

Мутахассис фикрини давом эттирган ҳолда, эслатиб ўтиш жоизки, қишлоқ турмуш тарзи шундайки, ҳар бир оила боши узоқ йиллар давомида уй қуриш, бунинг учун маблағ жамғариб бориш мақсадида яшайди. Энди эса ҳаётнинг бу лаззатли, аммо лекин анча оғир, вақти келганда мушкул бўлган ташвишларини давлат ўз зиммасига олмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, бир қатор махсус хизматлар мажмуаси саъй-ҳаракати билан уй-жойлар том маънода эгасига «калити билан» топширилади. Шароитлар шундайки, ҳаттоки қишлоқ оиласини тасаввур қилиб бўлмайдиган томорқалар жойлашуви, жиҳозланиши ҳам фақат ҳавас қилишга арзигудек замонавий қўринишда яратилмоқда. Албатта, «калит» деганда, ички шароитлар, яъни хоналар мебель, бошқа зарур маиший буюмлар билан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилади, яъни кириб яшашга мўлжалланмоқда.

Шу ҳам эътиборга лойиқки, ушбу саъй-ҳаракатларда пойтахтимизда фаолият юритаётган кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Чунончи, кўргазмада «Совпластитал» акциядорлик жамияти маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлди.

— Харидорларимизга яхши маълум тайёр маҳсулотларимиз қаторида янги лойиҳалар ҳам тақдим этдик, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Раҳима Мельникова. — Бу асосан ошхона ва ювиниш хоналарига зарур мажмуавий жиҳозлардир. Вилоятлардан ташриф буюрган маҳалла вакиллари ҳам, мутахассислар ҳам уй томорқалари учун мўлжалланган буюмларга катта қизиқиш билдирди. Қишлоқ аҳли табиий нарсаларга кўникиб қолган бўлсада, шаҳар шароитида безак сифатида кенг қўлланиб келинаётган сунъий яшил деворлар, гулбоғлар атрофига қўйиладиган кичик меъморий ечимлар, болалар ўйингоҳлари ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмади. Ҳовли томорқалари ҳамда катта экин майдонларида мева-сабзавотларни тўплаш ва қадоқлаш учун ранг-баранг пластмасса идишларига кўп буюртмалар тушди.

Бугунги кунда «Совпластитал» АЖ томонидан пластмасса, рангли шиша, металл ва сопол ашёлардан саккиз мингдан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Намуналари ва турлари ҳар йили талабга қараб ўзгариб, бойитиб борилади. Айтиб ўтиш лозимки, ички кооперация яхши йўлга қўйилаётгани ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир, айниқса янги лойиҳалар жорий этилаётганда.

— Шу тариқа фақат йил бошида 300 дан зиёд янги намунадаги ва харидоргир маҳсулот яратдик, — деди патент бўлими бошлиғи Ирина Раҳимова. – Дарҳақиқат, ҳар бири патентга эга. Бундан ташқари, кўплаб технологияларимиз ҳам патентланган. Кўргазма ҳақида шуни айтмоқчиманки, албатта биринчи галда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Лекин айни бу кўргазмага биз яна бир муҳим мақсад билан қатнашдик, у ҳам бўлса дастурхонларимиз кўрки ва баракасини яратувчи деҳқонларимизнинг турмуш тарзини янада кўтаришга ўз ҳиссамизни қўшишдир. Даладаги оғир меҳнат кунидан сўнг шинам, ёруғ, барча шароит бисёр уйда тинч-хотиржам дам олишдан янада завқлироқ нима бўлиши мумкин! Бу орзу эмас, балки қишлоқларимизнинг кундалик ҳаётига айланиб бораётган ҳақиқатдир.

Бундай ҳақиқатни кўплаб корхоналар қаторида ўз номи билан сингдириб бораётган «Файз» холдинг компаниясининг имкониятларидан ҳам қишлоқ аҳли, шубҳасиз, бохабар. Кўргазма давомида ушбу компания вакиллари билан кўплаб мулоқотлар кузатилди, аксарият холларда имтиёзларни кенгайтириш масаласи устувор бўлди.

— Гап шундаки, шу йил бошидан бошқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ортда қолмаган ҳолда «Файз» ҳам эътиборини қишлоқ томон янада фаолроқ қаратишга киришди, — дейди корхона бўлим бошлиғи Нозим Максумов. — Ички бозор эҳтиёжини имкониятларимиздан келиб чиқиб, маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига қондириш мақсадида куплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, шубҳасиз, импортни кескин қисқартиришга ҳам эришилмоқда. Жумладан, мебель жиҳозлари ўзимизда замонавий технологиялар асосида яратилмоқда. Бу борада талаб ортса ортмоқдаки, чекиниш асло сезилмаётир, қайтанга ўзаро рақобат кучайиб бормоқда. Яқинда Андижон вилоятининг тўққизта туманида алоҳида савдо дўконлари очилди. Деярли ўн кун ичида пештахталар бўшаб қолди. Андижонликларга 30-40 фоизли чегирмалар асосида барча турдаги мебель жиҳозларини тортиқ қилдик. Шундай бозор-ярмаркаси Наманган вилоятида ҳам мўлжалланмоқда. Йил охиригача барча вилоятларни қамраб олиш ниятимиз бор. Кўргазмага ташриф буюрган ва бизга анча таниш бўлиб қолган буюртмачилар яна бироз чегирмалар беришимиз хусусида таклиф киритдилар. Ҳар бир таклиф инобатга олинади, албатта. Қишлоқ ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш барчанинг муҳим вазифасига айланган экан, бунга жавобан биз ҳам ўз хиссамизни қўшишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўргазмада шаҳримиздан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар қатнашди. Биргина «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси доирасидан 40 дан зиёд ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Бугунги кунда мазкур ташкилот таркибига бирлашган 100 дан кўп корхона маҳсулотлари ИСО-9001:2000 халқаро сифат сертификатига эга бўлиб, ички бозор эҳтиёжининг 70 фоизини қондириб келмоқда, шунингдек Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Эрон, Озарбойжон ва бошқа давлатларга экспорт қилинаётир.

Давлат дастури доирасида ишлаб чиқарувчилардан ташқари, пудратчилар ҳам, жумладан, «калитга доир» иш юритиш тизимида фаолият бошлаган қурилиш ташкилотлари бир қатор имтиёзларга эга, хусусан, бюджетга бўлган солиқлардан озод қилинади. Бундай имкониятлар барча дастур иштирокчиларига кўзда тутилган. Аммо энг муҳими – бу борада бевосита қишлоқ аҳлига ҳам катта имтиёзлар берилаётганидадир. «Қишлоқ қурилиш банки» томонидан улар учун ипотека кредитлари имтиёзли фоиз ставкаларида 15 йил муддатга ажратилади. Кейинчалик тўлаб бориладиган маблағ эса даромад солиғидан озод қилинади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаммамизнинг насибамиз аввал далаларимизда туну кун демай меҳнат қилаётган деҳқонларимиз қўли билан етиштирилади. Бу неъматлардан биз баҳраманд бўлаётирмиз, демак жавобимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи даркор. Юртимизнинг янада обод, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ тараққий топса, юртимиз янада обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади. Бу борадаги ишларга барчамиз дахлдор бўлмоғимиз лозим.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар, ижодий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Юртимизда молия-иқтисодиёт, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам заҳиралар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, меҳнатини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлаётган омиллар, 2008 йилда эришилган асосий натижалар ҳамда иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришдаги муҳим йўналишларга оид маърузалар тингланди.

# ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳада, жумладан ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ахборот маконини шакллантириш масалалари давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармонида ўз аксини топган ва шу асосда 2002-2010 йилларда Компьютерлаштириш ва АКТ ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилиб изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳужжатларда яқин истиқболда мамлакатимизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётининг йўллари аниқ белгиланган бўлиб, бу миллий ахборот маконини шакллантиришда жиддий ва изчил қадамлар қўйишга хизмат қилади.

Анъанавий ҳафталик Ахборот-коммуникация технологияларига доир Миллий саммит билан очилади. Саммит иштирокчилари Ўзбекистонда АКТ тараққиёти муаммолари ва истиқболлари, ахборот технологияларини давлат бошқарувига жорий этиш борасидаги муаммо ва муваффақиятлар, электрон таълим ва фойдаланиш инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизда электрон тижорат истиқболларини муҳокама этадилар.

АКТ анжумани ҳар йили нафақат маҳаллий мутахассислар, балки узоқ-яқин хорижий давлатлар халқаро экспертларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу тадбир доирасида умумий долзарб масалалар билан бирга алоҳида йўналишларга доир муаммоларни ҳам батафсил муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Тартибга солиш сиёсатидаги йўналишлар ва асосий ўзгаришлар, IT-технологиялар тараққиёти миллий дастурларини амалга оширишдаги ютуқ ва муаммолар, турли соҳаларда АКТни жорий этиш тажрибаси, инфратузилмани шакллантириш масалалари кўриб чиқилади. Ахборот хавфсизлиги, ахборот-кутубхона марказлари, ZiyoNET тизими фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тошкент ва Нукус шаҳарларида бир вақтнинг ўзида "ICTExpo-2009" ахборот технологиялари миллий кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмани бир вақтнинг ўзида икки шаҳарда ўтказиш ғояси ахборот технологияларининг ҳудудларга қай даражада кириб бораётганини намоён этиш билан боғлиқ. Шу кунларда видеокўприк ташкил этилади, иштирокчиларнинг ҳар икки кўргазма экспозициялари билан танишишлари учун имконият яратилади.

Кўргазмада иштирок этувчи компаниялар иштирокчиларга ахборот технологиялари соҳасидаги ишланмалар, ўзига хос хизматлар ва ечимларнинг кенг кўламини тақдим этади. Мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, кўргазмада Россия, Украина, Хитой, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Венгрия ва бошқа давлатлар вакиллари ҳам қатнашадилар.

Кўргазма дастури кенг кўламли ва ранг-баранг бўлиб, унинг доирасида турли ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади.

АКТ ҳафталиги доирасида Тошкент ахборот технологиялари университетида "Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш муаммолари" мавзуида халқаро анжуман ўтказилади.

"Ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантиришнинг илғор усул ва воситалари" мавзуидаги республика илмий-амалий семинари ҳам диққатга молик тадбирлардан бири бўлади. "Йилнинг энг намунали ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассиси (кутубхоначиси)" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтади.

АКТ ҳафталиги давомида бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади. "InfoCOM-2009" мамлакатимизда соҳанинг янада тараққий этиши, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

**Тошкент ҳарбий округида сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида ёзги олимпиада мусобақаси бошланди. Мазкур беллашувда курсантлар спортнинг бокс, стол тенниси, биатлон, сузиш каби турлари бўйича куч синашмоқда.**

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# СЕРЖАНТЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

Мусобақа давомида иштирокчиларнинг тактик, техник ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилади. Шунингдек, «Билимдонлар баҳси» ҳамда «Балли, йигитлар!» танловларида уларнинг интеллектуал салоҳияти, чаққонлиги, зукколиги ва топқирлиги баҳоланади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамрақулов Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактаблари бугун ўзининг юксак самарасини бераётгани, мазкур ҳарбий таълим муассасаларидан ҳар томонлама пухта билим ва юқори малакага эга профессионал ҳарбий хизматчилар етишиб чиқаётганини таъкидлади.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ва Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг кўргазмали чиқишлари, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Қарор ва ижро

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Мамлакатимизда пластик карточкалардан кенг фойдаланиш аҳолининг турли тўловларни амалга оширишида қулайлик яратиш билан бирга банк инфратузилмасининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Айни вақтда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тижорат банклари томонидан жадаллик билан амалга оширилаётир. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётир.**

Бошқа молия муассасалари қатори "Микрокредитбанк" ҳам пластик карточкалар тизимини ривожлантириш, мазкур хизмат турини аҳоли орасида оммалаштириш, пластик карточкалардан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Зеро, пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини шакллантириш билан бирга нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиради.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги олдидан «Микрокредитбанк» томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар ҳамда ўрнатилган терминаллар эгалари ўртасида ютуқли ўйинлар танлови эълон қилинган эди. Танлов 100000 сўм (ва ундан ортиқ) ўтказилган транзакциялар ўртасида лототрон асосида амалга оширилди. Танловда 1,5 минг терминал ва 19 мингдан зиёд пластик карточка иштирок этди.

Супер ютуқ — телевизор Қашқадарё вилояти Бешкент туманида яшовчи Фазилат Тўхтаназаровага насиб этди. "Энг фаол терминал эгаси" номинациясида эса Тошкент вилояти Пскент туманидаги "S.M. Dinil Tabbasum" хизмат кўрсатиш шохобчаси ғолибликни қўлга киритди.

**(ЎзА)**




Эътиборли бўлинг

# МУШОҲАДА ОРҚАЛИ БАМАЙЛИХОТИР ИШЛАЙВЕРИНГ

**Бошлиқлар ва ҳамкасбларингиз билан яхши муносабатларни сақлаш учун нималарни гапириш мумкину, нималарни мумкин эмас?**

**Office Life мутахассисларга худди шу саволни бериб, улардан қуйидаги жавобларни олди. Марҳамат, улар билан танишинг: сизга ҳам асқотиб қолар...**

1. «Менинг иложим йўқ».

«Кофе хауз» кафелар тармоғи президентининг Office Life-га билдиришича, у «Мен буни қилолмайман», «Иложим йўқ» деган жавобларни ўз қўли остидагилардан эшитишни жуда ёмон кўраркан. «Гап шундаки, — дейди у, ростини айтсам, пессимистларга ҳеч ҳам чидай олмайман. Бундай одамлар билан ишлаш мен учун жуда оғир».

RB.ru портали «Карьера» йўналиши раҳбари Мария Пикалова ҳам бундай жумлаларни ёқтирмас экан. «Мен спорт билан шуғулланиб юрган анча йиллар олдин мураббийим менга: «уддалай олмайман, иложим йўқ» деган гаплар йўқ, «истамайман» деган сўз бор» деганди. Бинобарин, мен учун, бошлиққа, мен бирон нарсани қилолмайман, дейиш ишлашни хоҳламасликни тан олишдай гап, дея фикрини баён қилди у. — Мабодо, вазифани бажариш қийин бўлса ва мен уни бажариш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобласам – буни албатта очиқ-ойдин айтаман. Лекин раҳбар, барибир, керак деб туриб олса – буйруқни бажараман.

2. «Мен буни қилишни истамайман».

b2b-нашрлари ва корпоратив ОАВ ларни чоп этувчи компания раҳбари «мен буни бажаришни истамайман» деган жумлани «мен ишдан бўшайман», деган оҳангда эшитишини тан олган. Кафелар тармоғи президенти, мабодо қўл остидагилар бирор ишни қилишни истамасликларини билдирса, бунинг сабабини эшитиб билган маъқул, деб ҳисоблайди: агар бу сабаб ҳақиқатан жиддий ва муҳим бўлсачи? Йўқ, албатта эшитиб кўриш керак.

3. «Бу менинг вазифамга кирмайди».

Кўпчилик раҳбарлар ўз вазифалари рўйхатига кирмайдиган анчагина ишларни бажаришади ва шундан келиб чиқиб, ўзларини қарийб қаҳрамон деб ҳисоблашади. Демак, мабодо сиз суҳбатда тилга олинган вазифаларингиздан бошқасини бажармайман десангиз, бошлиқ бу гапингизни: «Мен қаҳрамонлик кўрсатмоқчи эмасман, яхшиси, сизлар ҳаммангиз ўзингизни амбразура устига ташлагунингизча окопларда ўтира тураман», деган маънода тушуниши мумкин.

4. «Менинг иш куним тугади».

Маркетолог Смитнинг бевосита раҳбари ўз кабинети эшигини роппа-роса соат 19.00 да ёпади ва юқоридаги жумлани хотиржам қабул қилади. Аммо унинг олдинги раҳбари топшириқ айтилган муддатда бажарилиши керак ва иш кунининг тугаганлиги лойиҳани вақтида топширишга тўғаноқ бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган. Дарвоқе, кўпчилик раҳбарлар айнан шу фикрга амал қилишади.

5. «Жиддий компанияларда мутлақо бундай қилишмайди».

Мабодо, сиз ҳозирги вақтда сизга маош тўлаб турган компанияга беписанд муносабатингизни намоён этмаганингизда, йирик корпорацияларда ички ишлар қандай ташкил этилгани ҳақида самимий гапириб бериш ниятингизни бошлиқ маъқуллаган бўлиши мумкин эди. Ҳамкасбларингиз албатта сизнинг ҳаётни билишингизни қадрлашади ва раҳбарларни танқид қилиш имкониятидан хурсанд бўлишади. Аммо бошлиқ, энг аввало, бутун тузилма ишини танқид қилишга сизнинг нима ҳақингиз борлиги ҳақида мушоҳада юритиши табиий.

Юқорида келтирилган ҳаётий вазиятлар ҳақида яхшилаб мулоҳаза қилсангиз, иш жойингизда бамайлихотир ишлайверишингиз мумкин.

Дам олиш соатларида

Руҳшунос ҳузурида

# БОЛАНГИЗ БЕЗОВТА БЎЛГАНДА...

**Фарзандингиз умуман гапингизга қулоқ солмай қўйди: «қилма» деганингизни атайлаб қилади, жазоланишидан қўрқмайди. Уни қандай қилиб ўзига келтириш, оилангизда шаклланган тартибга риоя этишга уни қандай мажбур қилиш мумкин?**

**Бу саволларга тиббиёт фанлари номзоди, психолог Манзура Тошпўлатова жавоб беради.**

Сизнинг ташвишингизни тушуниш мумкин. Лекин бундан фожиа ясамаслик, тушкунликка тушмаслик, энг муҳими, қаҳри қаттиқ бўлиб қолмаслигингиз керак. Қулоқ солмаслик ҳам ҳар бир болакай ривожида нормал психологик босқич ҳисобланишини унутманг. Тақиқларнинг бузилишига тўла жавобгар, масъул эканини зурриётингизга тушунтиришингиз, унинг онгига сингдиришингиз лозим.

Халқ эртаклари бу жиҳатдан жуда ўрнак бўлади: тақиқланган нарсага тегма, қўзичоққа айланиб қоласан! Лекин ҳар бир бола тақиқ оқибатлари ёмон бўлишини ўзи синаб кўргиси келиши ҳам табиий ҳол. Шу тариқа тақиқларга риоя этмаслик бошланади. Лекин бола тақиқни бузишдан олинадиган завқ кетидан нохуш оқибатлар келиб чиқишини ҳам ҳис этиши керак.

«Ёлғончи» эртагидаги одамларни алдашга одатланиб қолган кишига «Ёлғон гапирмагин, кейин одамлар рост гапингга ҳам ишонмай қўйишади» дея танбеҳ берилганига қарамай, у алдашда давом этади. Оқибатда уйига ўт тушиб, одамларни ёрдамга чақирганида, у яна алдаяпти, деб ўйлаб, ҳеч ким ёрдамга келмайди. Ёлғончининг уйи бутунлай ёниб, кулга айланади. Бундай кишиларни, тўғрироғи болаларни қандай тарбиялаш керак? Бунда бир неча хил тактикани қўллаш мумкин:

*«Табиий оқибатлар» тактикаси.* Бу шундай дастурки, у болани ўз хатоларини тушуниш, ҳис этишга мажбур қилади. Иштонингни ҳўл қилдингми – бир муддат ҳўл иштонда юр, итнинг ғашига тегдингми – қилмишингга яраша жазоингни ол. Гапингизга кирмай болангиз қилган хатоси оқибатини дарҳол бартараф қилишга киришманг, уни ҳис этиши учун имконият, вақт беринг.

*«Шахсий ўрнак» тактикаси.* Уни амалга ошириш жуда осон: мабодо, сиз ўзингиз банан пўстини йўлнинг четига улоқтирмай, уни махсус ахлат қутисига олиб бориб ташласангиз, албатта фарзандингиз ҳам охир-оқибат худди шундай ҳаракат қилади. Болага ёлғон гапирма деб туриб, ўзлари унинг кўз ўнгида ёлғон гапирувчи ота-оналар қандай ўрнак кўрсатишлари мумкин?

*«Қилма» ўйини.* Бу ўйин кўпроқ ҳали «қил, қилма» сўзининг фарқига боролмайдиган жуда кичкина болаларга мос келади. Айтайлик, болангизнинг қўлига бешта конфет ёки ўйинчоқ беринг. Қандайдир бир чекловни шарт қилиб қўйинг. Масалан, ўнг қўлни кўтариш ёки ўтириб-туриш мумкин эмас бўлсин. Энди шунчаки оддий буйруқлар берасиз: тур, ўтир, ўнг қўлингни кўтар, чап қўлингни кўтар. Тақиқнинг ҳар бир бузилиши битта конфет ёки ўйинчоқдан маҳрум этиш билан жазоланади. Болакай тезгина «мумкин эмас»нинг маъносини тушуниб, ўзлаштириб олади.

Бола тақиқларга амал қилиши учун уларни буюришни тўғри ташкил эта билиш керак. Кўпинча болалар оналарининг заифликлари ва кўнгли бўшликларидан фойдаланишади (тақиқлашдан кўра рухсат бериб қўя қолиш осонлигини болакайлар катталардан кўра яхшироқ билишади). Бола чегарадан чиқиб кетмай, риоя этиши талаб қилинадиган «мумкин бўлмаган» нарсаларнинг асосий қоидаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Чеклашлар ҳар бир бола, ҳатто жуда кичкина гўдак ҳаётида албатта бўлиши шарт. Улар жуда қаттиқ бўлмаслиги ва ҳаддан зиёд кўпайтириб юборилмаслиги ҳам керак.
2. Тақиқлар боланинг соғлом эҳтиёжларига зид келмаслиги лозим (гўдакнинг ҳаракатлари ва билишга қизиқишдаги фаоллигини тақиқлаш мумкин эмас).
3. Боланинг олдига қўйилган чекловлар оиланинг бошқа аъзолари билан келишилган бўлиши керак (ота «йўқ» деган нарсага она рухсат бериши ёки бунинг аксига йўл қўйиб бўлмайди).
4. Тақиқ оҳанги жаҳлдор ва қўпол бўлмаслиги зарур. Дўстона ва ишонарли тарзда ҳам тақиқлаш мумкин.
5. Болани жазолашда унинг жонини оғритиш, уни азоблашдан кўра, ўзига керак бўлган ёки у яхши кўрадиган нарсасидан маҳрум этиш яхшироқ.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандингиз гапларингизга қулоқ солиши ёки ўзингиз ва тақиқларингиз, жазолашларингизни назар-писанд қилмаслиги сизнинг қатъиятингиз ҳамда қаерда ва қандай ҳолларда тақиқни қўллашни билишингизга боғлиқ



Автоолам

# Brawn GP — ЧЕМПИОНАТНИНГ ЭНГ ҚИММАТ МАШИНАСИ

Auto Motor und Sport немис журналига берган интервьюсида Brawn GP нинг захирадаги пилоти Алекс Вурц мавсум биринчи ярмининг энг муваффақиятли машинаси ишлаб чиқилгани ҳақида гапириб берган. Honda компаниясига у 500 миллион еврога тушган.

— Ўтган йили, — деди Алекс Вурц, — Honda Racing бир вақтнинг ўзида учта машина устида иш олиб бориб, бешта аэродинамик трубалардан фойдаланди. Трубаларнинг ҳар бири аэродинамиканинг муайян хусусиятларини ҳисобга олиб танланганди. Муҳандислар уларни ўзаро қиёслаб, хулосалар чиқариш имконига эга эдилар, икки йўналиш хато бўлиб чиқди.Шундан кейин жамоа учинчи йўналишга диққатни жамлади. BGP001 – «Формула-1» тарихида энг паст фойдаланиш бюджетига эга бўлган энг қиммат машина бўлса ажабмас.

Red Bull нинг Сильверстоундаги афзаллиги дейсизми? Brawn GP ва Red Bull тезликда бир-бирига жуда яқин, шунинг учун ҳам трассадан трассагача вазият ўзгариб бораверади.

# ДИҚҚАТГА САЗОВОР ТАДҚИҚОТЛАР

Америкалик олимлар, кўзи ожиз одам монохром (бир хил) кўк тусли ёруғликни ҳис этади, деган хулосага келишди. Ёруғликка оптик кўришга параллел бўлган ёруғликка сезгир тизим «жавоб қайтаради». Олимлар параллел тизим жуда заиф кўриш ҳиссини бериши мумкинлигини кўрсатиб беришди.

Америкалик ва Гарвард университети Тиббиёт мактабининг доктор Стивен Локли бошчилигидаги британиялик нейрофизиологлар кўришга параллел ёруғликни сезиш тизимини ўрганишди. Мазкур тизим одам кўзининг тўрпардасида жойлашган бўлиб, суткалик ритмни бошқаради.

1990 йилгача инсонда ёруғликни тўғрилаш суткалик ритми одатий кўриш тизими орқали таъминланади ва ёруғлик кўз пардасидаги таёқчалар ва нур сезувчи ҳужайралар томонидан қабул қилинади, деб ҳисоблаб келинган. Бироқ, 1990-йилларда ҳайвонлар ва одамлар кўз пардасида унинг ёруғликни сезувчи ганглиоз ҳужайралари кашф этилди. Ушбу ҳужайралар спектрнинг кўк қисмида энг кўп сезгирликка эга бўлиши ва кўриш дўнгчалари остида жойлашган организм «курантлари» билан боғлиқлиги маълум бўлди.

Доктор Локли ҳамкасблари билан биргаликда икки нафар кўзи ожиз мижозлар – 56 яшар эркак ва 87 ёшли аёлнинг бири монохроматик яшил нур, иккинчиси кўк нур берадиган икки хил лазер нурланишига реакцияларини тадқиқ этишди. Кўз қорачиғи кенглигининг ўзгариши, уйқу гормони мелатонининнинг қондаги электроэнцефалограммаси ва даражаси аниқланди. Яшил ранг иккала беморнинг ҳам ушбу барча параметрларига ҳеч қандай таъсир ўтказмади – улар бу нурни кўришмади. Кўк рангли нур эса, кўз қорачиғларининг уйғониши ва қисқаришига хос равишда мелатонин даражасининг анча (57 % га) пасайишига, суткалик ритмнинг силжишига, ЭЭГнинг ўзгаришига олиб келди.

Тадқиқотчилар параллел ёруғликни сезувчи тизим заиф бўлса-да ёруғликни сезиш ҳиссини беришини аниқлашди. Кўр аёл кўриш спектрининг бошқа участкаларига нисбатан мутлақо сўқир бўлгани ҳолда кўзига кўк нур тушира бошлаган ва унинг тугатилган вақтини фарқлай олди. Бундан ташқари, ганглионар ёруғлик сезувчи тизим қоронғуликда ва жуда равшан ёруғликда кўз қорачиғларининг кенгайиб-торайишига жавоб беради. Бутунлай кўрмайдиган беморларнинг кўзларини очиш йўлида узоқ келажакда бўлса ҳам умид туғдириши билан ушбу тадқиқотлар диққатга сазовор.

Автоматлаштиришдаги улкан ютуқ

# ИЛК КАШФИЁТ

Фандаги айрим кашфиётлар бир турдаги тажриба-синов ишлари туркумини талаб этади. Мазкур жараённи автоматлаштириш мақсадида Adam исмли илмий робот яратилиб, унга ҳатто қарор қабул қилиб, уни бажариш функцияси ҳам жорий этилганди. Adamни Кембриж университети олимлари кашф қилишган. Унинг яратилиши жаҳондаги шунга ўхшаш ягона тажриба-синов иши бўлиб, шунинг учун компьютерчилар ва муҳандислар уни яратишда катта қийинчиликларга дуч келишганди.

Натижада элементар биология соҳасида тадқиқотлар ўтказиш билан шуғулланадиган энг содда сунъий ақлли «зот» (SAI) вужудга келди. Унинг яна бир фазилати шундан иборатки, бутун иш туркумини бажаришда одамнинг ҳам, бошқа ҳар қандай автоматик ускунанинг ҳам мадади керак бўлмайди. Ўзи олган натижаларнинг ҳаммасини у мустақил равишда ўз назорат тизими орқали текшириб боради.

Ўтказиладиган тажриба ишларида олимлар роботнинг олдига муайян вазифани қўйишлари, бир неча кундан кейин эса тайёр натижани қўлга киритишлари мумкин эди. Автоматлаштиришнинг бу тури сабр-тоқат ва чидамлиликни талаб қилувчи вазифаларда муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Масалан, геномларни очиш ДНК айрим элементлари хусусиятларини ўрганиш ҳамда каталоглар ва генетик карталар учун биологик маълумотларни тўплашда шундай талаблар қўйилади.

Албатта, ҳар бир Adamнинг ўз Ҳаво(Ева)си бўлиши керак. Кембриж олимлари кодлаштирилган номи EVE бўлган яна бир тадқиқотчи роботни йиғишни якунига етказишмоқда. У ҳам илмий тадқиқотлар бир қисмини автоматлаштиради. EVEнинг қўлланиш соҳаси сифатида дори-дармонларни синтез қилиш ва синаш бўйича тиббий тажриба-синовларни олиб бориш вазифаси белгиланди. Биринчи навбатда робот безгак ва турли гижжа касалликларини даволашнинг умумий омилларини излаш билан шуғулланади.

EVE ишланмаган маълумотлар сифатида синтезланган моддаларни олиб, уларни амалдаги мавжуд дори-дармонларга солиштиради ва олинган натижалар асосида кутилаётган кимёвий реакциялар самарадорлиги ҳақида прогноз-ахборот беради. Албатта, робот дорининг охирги матлуб турини топади, дейиш қийин. Аммо у излаш поёнини бир неча юз минг бирикмалардан бир неча ўнликкача қисқартириб, муваффақиятсиз намуналар катта қисми устида олиб бориладиган машаққатли ишдан халос этади.

Adam муваффақиятга эришиши билан тадқиқотчи роботларнинг оммавий тарзда кўпайиши ва уларга эҳтиёжнинг ортиши ҳақида гапириши мумкин бўлади. Мазкур автоматнинг Нобель мукофотини олиш имконияти йўқ даражада бўлса-да, барибир, у фанга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Футбол янгиликлари

# МАРАДОНА ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Аргентина терма жамоасининг бош мураббийси Диего Марадона ниҳоят мамлакат футбол федерацияси билан шартномани имзолади. Маълумки, миллионлаб ишқибозларнинг севимли чарм тўп устаси ўтган йил ноябрь ойидан терма жамоага раҳбарлик қила бошлаганди. Лекин яқингача у контрактсиз ишлаб келаётганди.

Оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Диего Армандонинг Аргентина терма жамоасидаги маоши йилига 1,2 миллион долларни ташкил этади ва у ўтган йил ноябридан бошланиб, мазкур йилнинг октябрь ойини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, Марадона ўз мамлакати терма жамоасини 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш турнирининг охиригача машқ қилдиради. Агар «бьянко-селестлар» жаҳон биринчилиги финал ўйинларига чиқиш вазифасини уддалашса, 1986 йилги жаҳон чемпиони билан контракт муддати чўзилиши мумкин.

Мамлакат футбол федерацияси раҳбарлари Марадонага катта умид боғлашмоқда ва шунинг учун ҳам унинг иш ҳақи олдинги мураббийларникидан анча юқори. Масалан, Пассарелла, Марсело Бьелса, Хосе Пекерман ва Альфио Базилеларнинг иш ҳақлари ойига 40 – 50 минг доллардан ошмаган (Марадонанинг ойлиги 100 минг долларни ташкил этмоқда). Маошдаги бу фарқни федерация раҳбарлари Диего келиши билан ишқибозларнинг қизиқишлари кескин ошиб кетганлиги, ҳатто терма жамоа ўртоқлик учрашувларига ҳам келувчилар сони анча ошиб кетгани билан изоҳлашмоқда..

Раҳбарлар Диего жамоа олдида ҳам обрўга эга эканлиги ва унга сезиларли фойда келтирганини ҳам таъкидлашмоқда. Шарҳловчиларнинг фикрича, Марадона билан контракт узайтирилиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда Жанубий Америка саралаш гуруҳида Аргентина терма жамоаси тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. 2010 йилги жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри тўртта йўлланма ўйналса, бешинчи йўлланма учун қўшимча баҳслар орқали курашишга тўғри келади.

# ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ

L'Equipe қизиқ бир ахборотни тарқатдики, у футбол тарихининг бир қисмига айланди. Француз нашрига маълум бўлишича, бир неча ҳафта муқаддам Мюнхен «Бавария»си «Реал»(Мадрид) клубининг жуда манфаатли таклифини рад қилган. «Бланкос» ярим ҳимоячи Франк Рибери учун 80 миллион евро беришга тайёр эди. Ўшанда «Бавария» футбол клуби ўзининг етакчи ўйинчисини сотишдан бош тортди. Аммо орадан кўп ўтмай, Мюнхен клуби бошқаруви раиси Франц Беккенбауэр француз ярим ҳимоячиси 81 миллион фунт стерлинг туради, дея эътироф этди. Ҳа, трансфер бозори қизиб бораверса, Рибериниг нархи яна ҳам ошиб кетиши ҳеч гапмас.

Ажиб ҳангомалар

# СУҒУРТА ҚИЛИНГАН...

Лондонда жаҳондаги энг йирик кофеенлар тармоғи бош дегустаторининг тили Lloyds of London компанияси томонидан 10 миллион фунт стерлинг (13,95 млн.$)- га суғурта қилинди. Ушбу хабарни BBC тарқатган. Дегустатор (таъм билувчи) Женнаро Пелицция Британиянинг Costa Coffee тармоғи учун Лондондаги цехда кофенинг хом донларини, уларни қовуриб, дўконларга тарқатишдан олдин шахсан синаб кўради.

«Менинг 18 йиллик таъм билиш тажрибам кофенинг минглаб донлари ҳидларини фарқлаш имконини беради, — дея таъкидлайди жаҳондаги энг қимматбаҳо дегустатор. – Менинг ишимда таъм билиш рецепторлари ва уларнинг сезгирлиги донлардаги турли камчиликларни ажратиб беради, ва шу билан ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир».

«Кофе устасининг таъм билиш рецепторлари мусиқада тенорнинг товуш пайлари-ю, топ-моделнинг оёқларидай жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолатда бизнинг суғуртамиз бир кишига нисбатан белгиланадиган суғурта пули жиҳатидан дунёда энг йирик суғуртадир», — дея таъкидлади суғуртачи компания вакилларидан бири.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу инсон аъзоларини суғурта қилишда илк воқеа эмас. Жумладан, бир вақтлар топ-модель Клаудиа Шифернинг оёқлари 5 миллион долларга, кейинроқ эса, америкалик хонанда Женифер Лопес товуш пайларини бир неча миллион долларга суғурта қилдирган эдилар.

**Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.**

**Шаҳримизда турли соҳаларда самарали ижод қилиб, ўзидан бой маданий мерос қолдирган таниқли адиблар, шоирлар, бастакорлар ва санъаткорларнинг 14 та уй-музейлари фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Кўргазмалар

# ШАҲРИМИЗНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ





Куни кеча «Наврўз» мажмуасида Shine Art ижодий бирлашмаси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Шаҳримизнинг маданий мероси» мавзуида М.Ашрафий, Ю.Ражабий ва Тамарахоним уй-музейларининг кўчма кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан санъатшунос олимлар, бастакорлар санъатимиз намояндаларининг ҳаёти ва бой ижодий меросига тўхталиб, улар ҳақидаги илиқ хотиралардан сўзладилар. Ражабийлар сулоласи ижросидаги мумтоз ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талаба-ёшларининг турли тилларда янграган куй-қўшиқлари жозибали рақслар тадбирга ўзгача файз киритди.

Ушбу кўчма кўргазма шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Shine Art ижодий бирлашмаси томонидан ташкил этилди.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланиб ташкил этилган санъатимиз намояндалари уй-музейларининг кўчма кўргазмаси санъатсевар мухлислар учун диққатга сазовор бўлди, десам адашмайман. Бу кўргазма тадбири қизғин учрашув, мулоқот тарзида ниҳоятда қизиқарли ўтмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий. — Кўргазмада мусиқа ва рақс санъатига катта ҳисса қўшган машҳур инсонларнинг уй-музейларидаги экспонатлардан ўрин олган буюмлар, китоблар, кийимлар, мусиқа асбоблари жумладан, отамиз Юнус Ражабийнинг 6 жилдли «Шашмақом» ва «Мусиқа меросига бир назар» номли китоблари, кийимлари, чалган дуторлари, найлари, ноталари, Тамарахонимнинг кийимлари, тақинчоқлари намойиш этилмоқда. Уй-музейлар халқимиз учун бой маданий мерос ҳисобланиб, ушбу уй-музейлар кўргазмаларини халқимизга яқиндан таништириш мақсадида ўтказилаётганлиги албатта қувонарлидир.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Шаҳримизнинг маданий мероси» мавзуида ташкил этилган уй-музейларнинг кўчма кўргазмасидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

---

**Ўзбек халқининг миллий спорти саналмиш курашнинг тарихи уч ярим минг йилларга бориб тақалса-да, истиқлолдан кейингина у ўзининг ҳақиқий ривожланиш йўлига ва эътирофига сазовор бўлди. Бугунги кунда эса дунё мамлакатлари нигоҳида жуда сарбаланд ва нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. 6 сентябрь куни Кураш Халқаро Ассоциациясининг ташкил топганига 11 йил тўлди.**

Кураш

# ЗАРҲАЛ САҲИФАГА БИТИЛГАН САНА

Ушбу муносабат билан ҳамда жорий йилнинг 6 октябрида Украинанинг Алушта шаҳрида катталар ўртасида бўлиб ўтадиган 7-жаҳон чемпионатига бағишланган матбуот анжумани Олимпия шон-шараф музейида бўлиб ўтди.

— Ўзида мардлик, жасурлик, ҳалоллик ва инсонпарварлик фазилатларини мужассамлаштириб олган ўзбек кураши ер юзининг турли қитъаларидаги миллионлаб мухлисларни жалб эта олди, — дейди Бутунжаҳон Курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулла Тожиев. — Эндигина 11 йил тўлганига қарамай, бугун халқаро кураш оиласи яратилди, десак муболаға бўлмайди. Миллий спортимиз бўлмиш курашни олий мақсадимиз бўлган Олимпиада ўйинлари сафига киритиш борасидаги ишлар муваффақиятли давом эттирилмоқда ва бу борада маълум ютуқлар қўлга киритилди. Хабарингиз бор, 1-9 август кунлари Бангкок шаҳрида Осиё Олимпия қўмитаси бошчилигида Якка-мача-якка кураш турлари бўйича биринчи Осиё ўйинлари ўтказилди. Ушбу ўйинларда биринчи бор кураш бўйича расмий мусобақаларнинг бўлиб ўтиши ўзбекистонликларнинг катта ғалабаси бўлди дейиш мумкин. Мутахассис ва мухлисларнинг сўзларига кўра, ушбу кураш мусобақалари барча хорижликларнинг диққат-эътиборида бўлди. Албатта, Осиё Олимпия қўмитаси раҳбарияти уни ҳалоллик, рақибига нисбатан ҳурмат каби хислатларни ўзида мужассамлаштирган спорт эканлигини ва ўзбек кураши яқин йиллар ичида энг оммалашган спорт турига айланишини эътироф этдилар.

Бангкокда бўлиб ўтган кураш мусобақаларида 14 олтин, 14 та кумуш, 28 та бронза медаллари шодаси учун кураш олиб борилди ва шундан саккизта мамлакат вакиллари олтин медални қўлга киритдилар. Жумладан, 3 та олтин, битта кумуш ва 2та бронза медаллари ўзбекистонлик курашчиларга насиб этди. Иқтидорли спортчи Муқаддас Кубаева Осиё ўйинларининг биринчи тарихий олтин медалига сазовор бўлган курашчи қиз сифатида тарих саҳифаларига киритилса ажаб эмас.

Ўзбек миллий кураши ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Ушбу спорт турининг ҳар битта аҳамиятга молик жиҳатларини сўз билан ифода этишга ҳам ожиз қоламиз баъзида. Бинобарин, дунё нигоҳида кундан-кунга юксалиб, обрў-эътибор топиб бораётган ўзбек курашимизнинг келажаги порлоқ, истиқболи ёрқиндир.

Анжуман доирасида Кураш Халқаро Ассоциацияси Бош котиби Умид Ёқубов, Миллий Кураш Федерацияси вице президенти Қосим Раззоқовлар ҳам жорий йилнинг 6-11 октябригача Украинанинг Алушта шаҳрида бўлиб ўтадиган 7-жаҳон чемпионатига тайёргарлик, унинг ўтказилиш жараёнлари ҳақида журналистларга батафсил ва тўлиқ маълумот бердилар. Шунингдек улар, миллий спорт тури бўлмиш курашнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар, мактаб ўқувчиларига дарслик сифатида ўқитилаётган кураш фанининг миллий аҳамияти ҳамда 30 октябрдан 6 ноябргача Вьетнамда ўтказилиши кутилаётган Ёпиқ иншоотларда 3-Осиё ўйинларидаги мусобақалар ва уларга доир ишлаб чиқилган регламент ҳақида ҳам маълумот бериб ўтдилар.

Тадбирда Осиё ўйинлари олтин медалига сазовор бўлган курашчи қиз Муқаддас Кубаева, унинг устози Олим Ҳайитов иштирок этиб, журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

---

**Келажагимиз бўлган болаларни ҳар томонлама асраб-авайлаш эртанги кун учун мустаҳкам пойдевор яратиш демакдир. Шу боисдан юртимизда, болаларнинг нафақат таълим-тарбияси, хавфсизлиги борасида ҳам салмоқли ишлар олиб бориляпти.**

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Республикамизда ўқув йили бошланиши билан анъанавий тарзда "Диққат болалар!" тадбири ўтказиб келинади. Бу йил ҳам 2 сентябрдан 12 сентябрга қадар пойтахтда ушбу тадбир уюшқоқлик билан ташкил этилган.

Бу муҳим тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасида, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ЙҲХБ ва шаҳардаги мавжуд 474 та маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда асосий эътибор ёзги таътилдан сўнг мактабга қатнаётган болажонларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиш, уларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш кабиларга қаратилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ЙҲХБ бўлим бошлиғи Зоир Сайдалиев бугунги кундаги аҳволни шундай изоҳлади:

— Мактаб ўқувчиларининг автомобиль йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш учун шаҳарда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Тошкент шаҳар ИИБ ЙҲХБ бошлиғи Зоир Сайдалиев. — Жумладан, илгари йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари мактабларда шунчаки айтилган бўлса, бугунда дарс сифатида ўқитилмоқда ва бу ўзининг ижобий натижасини беряпти.

Тадбир сўнгида маҳалла фаолларига ўз ҳудудларида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари учун аниқ кўрсатмалар берилди.

**Хуршид НЕЪМАТОВ, "Туркистон-пресс"**

---


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, "Камаз-53212" русумли, д/р 11W3300 бўлган, 1988 йилда и/ч, "Шайхонтоҳур Инвест" жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 12.12.08й, №1-492/08). Бошланғич баҳоси – 29 481 297 сўм.

**II.** Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, "Дамас" русумли, д/р 10ВЕ849 бўлган, 2007 йилда и/ч, Юнусобод тумани СИБда сақланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 24.02.09й, №10-0816/17037). Бошланғич баҳоси – 6 270 000 сўм.

**III.** Аукцион савдосига Мирobod тумани СИБ томонидан Тошкент ш. ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1.** "Дамас" русумли, д/р 20R9002 бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.09.08й, №1-793-2008). Бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм. **2.** "ЛАДА-11183" русумли, д/р 30V6152 бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.06.09й, №1-403/2009). Бошланғич баҳоси –13 698 416 сўм. **3.** "ВАЗ-21061" русумли, д/р 10С519АА бўлган, 1990 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.08.09й, №1-423/09). Бошланғич баҳоси – 3 211 033 сўм. **4.** "Нексия" русумли, д/р 10Т0015 бўлган, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 01.06.09й, №1-411/09). Бошланғич баҳоси –9 235 230 сўм. **5.** "BMW-525" русумли, д/рсиз бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.06.09й, №1-434/2008). Бошланғич баҳоси –30 000 000 сўм. **6.** "ВАЗ-21074" русумли, д/р 01Н144АА бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.04.09й, №1-249/09). Бошланғич баҳоси – 6 386 813 сўм. **7.** "Тико" русумли, д/р 30V5970 бўлган, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.03.09й, №1-123/2009). Бошланғич баҳоси – 9 500 000 сўм. **8.** "ВАЗ-2107" русумли, д/р 11Х4788 бўлган, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.10.08й, №436/2008). Бошланғич баҳоси – 3 034 833 сўм. **9.** "Тико" русумли, д/р 10G753АА бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.05.09й, №1-343Б/09). Бошланғич баҳоси – 7 394 079 сўм. **10.** "ВАЗ-2106" русумли, д/р 30С9637 бўлган, 1983 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.05.09й, №1-343А/09). Бошланғич баҳоси – 4 071 409 сўм. **11.** "ВАЗ-21011" русумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йил и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.04.09й). Бошланғич баҳоси – 2 269 175,2 сўм. **12.** "ДЭУ Эсперо" русумли, д/рсиз бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.07.09й, №1738/09). Бошланғич баҳоси – 6 843 992 сўм. **13.** "Нексия" русумли, д/р 19Р7781 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 05.06.09й, №1-326/2009). Бошланғич баҳоси – 10 603 644,6 сўм. **14.** "Камаз-5410" русумли, д/р 19Е3928 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.10.07й, №2-196-07). Бошланғич баҳоси – 16 561 696 сўм. **15.** "Алкан-13" русумли, д/р 19А722 бўлган, 1990 йилда и/ч ярим тиркама (ижро ҳужжати 03.10.07й, №2-196-07). Бошланғич баҳоси – 8 671 472 сўм. **16.** "ВАЗ-21011" русумли, д/р 30Т6914 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.01.08й, №1-15/08). Бошланғич баҳоси – 1 562 740 сўм. **17.** "Матиз" русумли, д/р 30К2226 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 28.05.09й, №6324/14). Бошланғич баҳоси – 11 600 000 сўм. **18.** "Джип Ленд Ровер" русумли, д/р 34 RUN 84 бўлган, 1992 йилда и/ч, Тошкент ш, Файзиобод б/м омборида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 07.05.09й, №1-1992/2009). Бошланғич баҳоси – 80 309 137 сўм.

**IV.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент ш, С.Раҳимов т, Қорасарой, Сариқ-сув тор, 2-берк кўчасида жойлашган, қарздор Миралиев Б.Т.га тегишли, умумий майдони 928,0 кв.м., 6та хона, 2та ҳаммом, равон, ертўла, ошхона, 2 та соябон ва гаражидан иборат бўлган 24-уй қўйилмоқда (ижро ҳужжати 05.01.09й, №1-35/09). Бошланғич баҳоси – 232 503 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 20 октябр куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк 2009 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 10 ноябр куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек 2009 йил 6 октябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран** С.Раҳимов тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: **1.** "Мерседес Бенц-180" русумли, д/р О3956Т бўлган, 1996 йилда и/ч, "Шайхонтоҳур Инвест" жарима майдонида (Ганга) сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 07.04.08й, №6299/6). Бошланғич баҳоси – 19 440 000 сўм. **2.** "Opel Vectra" русумли, д/р Х532YТМ бўлган, 1992 йилда и/ч, "Себзор" жарима майдонида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.01.09й, №618/22). Бошланғич баҳоси – 9 201 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.


# ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

• «Жарима тўпи тепилгандан кейин, «жонли девор»да турган ўйинчилардан бири жонсиздек бўлиб йиқилди».

(Футбол репортажидан)

• «Роман тўп киритиш имкониятини муваффақиятли равишда кўкка совурди».

(Футбол репортажидан)

• «Каримахонни чақирманг, игнада ётибдилар».

(Шифохонадаги гапдан)

• «Сиз нега доирани созламаяпсиз?»

(Созандалар суҳбати)

• «Ўқувчилар мактаб формасида келмаяпти, икки кунда ҳамма ўқувчилар қолипга тушсин».

(Мактаб директорининг танбеҳи)

• «Ўттиз йилдан бери тирикчилигим асосан «Кийик» орқасидан бўляпти».

(Отарчининг гапидан)

• «Доскага қулоқ солинг».

(Ўқитувчининг гапидан)

• «Ўйинчи тўпни қанотга узатди».

(Футбол репортажидан)

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ**

---

Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### ҲАЗРАТ АЛИ

**Бир ишга киришмоқдан аввал унинг оқибатини ўйламоқ пушаймонликдан қутқаради.**

* * *

**Камситилмоқ дард чекмоқдан оғирдир.**

* * *

**Очиқ юзлилик – сарф-харажатсиз яхшилик.**

* * *

**Синамасдан бурун ишонмоқ – мулоҳазакорликка хилоф.**

* * *

**Бадкор (ёвуз)га яхшилик қилмоқ – ғанимни қуроллантирмоқдир.**

* * *

**Риёкорнинг зоҳири – гўзал, ботини – бемор.**

* * *

**Инсофлилик ихтилофни ўртадан кўтариб, улфат айлайди.**

* * *

**Донишманд илмга тўймайди ва тўйганини билдирмайди ҳам.**

* * *

**Инсоннинг камоли уч нарсада: қийинчиликларда сабр-бардош; истаклардан воз кечмоқ; ҳожатманднинг ҳожатини раво қилиш.**

* * *

**Содиқ биродарлар шодликда – зийнат, қаттиқчиликда бир-бирига тиргакдир.**

* * *

**Гуноҳ – дард; тавба қилмоқ унинг дориси.**

* * *

**Сабр – икки хил: ёмон кўрган нарсангга сабр қилмоқ; яхши кўрган нарсангга сабр қилмоқ.**

* * *

**Узоқни кўзламоқ, оқибатлилик, мулоҳазакорлик донишмандлар билан биргадир.**

* * *

**Дунё икки кунликдир: бир кун сенинг фойдангга, бошқа кун зиёнингга. Сабрли бўл!**

* * *

**Илм бойликдан афзал. Зеро, илм сени асрайди, аммо бойликни сен қўриқлайсан.**

* * *

**Шитоб қилмоқдан (амалда) сабр этмоқ яхши. Фақат эзгу амаллар чоғида эмас.**

* * *

**Амри маъруф (яхшиликка даъват қилиш) одамларнинг энг яхши амалидир.**

* * *

**Синамасдан ҳар учраганга инонмоқ ақлсизликнинг аломатидир.**

* * *

**Ёмон хулқлилик девоналикнинг бир кўринишидир, зеро ёмон хулқли пушаймон бўлади. Агар пушаймон бўлмаса, демак унинг девоналиги қатъий бўлибди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Газетанинг навбатдаги сони 15 сентябрда чиқади.


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2810 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

-345

Буюртма Г- 806

Топширилган вақти: 13.05